O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2005-yil • 15-dekabr • Payshanba • 151 (27.486) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

*Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳайъатининг*

## ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ КЕНГАШЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ПРЕЗИДЕНТ И.А.КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ 13 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСДАГИ МАЪРУЗАСИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳайъати Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 13 йиллигига бағишланган тантанали мажлисдаги маърузаси мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги улкан воқеа бўлганлигини таъкидлайди. Давлатимиз раҳбари жамият эътиборини Конституцияда белгиланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширишнинг муҳим масалаларига қаратди. Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини олий қадрият сифатида гапирар экан, ушбу принципларни конституциявий ва қонунчилик меъёрларда фақат белгилаб қўйиш эмас, балки амалда изчил рўёбга чиқариш муҳимлигини қайд этди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўзининг ташкил топган кунидан бошлаб ушбу принциплар асосида жамият ҳаётини демократлаштириш, ҳуқуқий ва фуқаролик жамиятининг муҳим асосларини шакллантириш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган изчил қадамларни ижтимоий-сиёсий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлашга қаратилган позицияни эгаллади ва шу позицияда турибди. Партия ушбу жараёнларни объектив баҳолаган ва бу йўлдаги мавжуд камчилик ва қийинчиликларни инкор этмаган ҳолда мустақил ривожланиш йилларида ушбу масалаларда мамлакатимизнинг олдинга сезиларли силжиши таъминлангани, эришилган натижалар эса демократик ўзгаришларнинг ортга қайтмаслигини кафолатлайди, деб ҳисоблайди.

Мамлакатга қарши кенг миқёсда ахборий тажовуз олиб борилаётган бир пайтда демократик ислоҳотлар стратегиясини қўллаб-қувватлаш ҳақида фақат мурожаатлар қабул қилиш кифоя эмас. Айни пайтда, аниқ хорижий кучларнинг ғаразли геополитик манфаатларидан келиб чиққан ҳолда сиёсий технологлар томонидан ишлаб чиқилган, кўпгина ривожланган демократик давлатларда жамият хавфсизлиги ва барқарорлиги учун хатарли деб ҳисобланган «рангли инқилоб»лар модели орқали Ўзбекистонга «демократия»ни экспорт қилишга уринишларига энди бефарқ қараб бўлмайди. Яқин кунларгача уларнинг «гуманитар ёрдам кўрсатиш ва Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришга кўмаклашиш» каби хайрли ишлар ниқоби остидаги ҳаракатлари мамлакатда четдан туриб бошқариладиган нодавлат нотижорат ташкилотлар тизимини яратишга йўналтирилган эди. «Ҳуқуқни ҳимоя қилиш» ва «хайрия» каби сохта тамғалар ортида улар ўзларининг ҳақиқий мақсадларини яшириб, 2002-2004 йилларда МДҲ ва Шарқий Европанинг қатор мамлакатларида амалга оширилган, бир қарашда беозоргина бўлиб кўринган «сохта демократик экспансия» сценарийларини татбиқ этиш учун белгиланган босқичда ушбу тузилмалардан жамиятдаги барқарорликни бузиш, вазиятни кескинлаштириш мақсадида фойдаланмоқчи эдилар.

Бугунги вазият ҳар бир партия ташкилотидан, ХДП депутатлар тузилмаларидан ва партия аъзоларидан ўз манфаатлари ва келажак учун амалга оширилаётган кенг қамровли бунёдкорона ўзгаришлар тақдири олдида фуқаролик масъулиятини чуқур ҳис этишни талаб қилади. Бугун ҳар бир фуқародан мамлакатимиз ва унинг атрофида содир бўлаётган воқеаларга дахлдор бўлишлик, ислоҳотлар йўлида тўсиқ бўлаётган камчиликлар, ҳаётда ҳали ҳам учраётган бефарқлик ва беғамлик ҳолларига қарши курашда фаол иштирок этиш талаб этилади. Бугунги вазиятда бу Ўзбекистонда миллат манфаатлари ва халқ анъаналарига мос келадиган ҳақиқий демократик фуқаролик жамиятини изчил қуриш, сохта демократик силсилалардан йироқ, Андижон воқеалари сингари фожиаларнинг қайта такрорланмаслиги ҳамда демократик ривожланишни нафақат сусайтириш, балки уни маълум муддат тўхтатиб қўйиш хавфини туғдирувчи воқеаларга қарши жамиятда барқарор иммунитет ишлаб чиқишнинг зарурий шарти ҳисобланади.

Шу билан бирга демократик ва фуқаролик жамияти шунчаки бир мақсад эмас, балки мамлакатда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг муайян ижтимоий муҳим вазифаларини амалга оширишда самарали восита эканлигини ҳар бир киши англаб олиши муҳим. 2006 йилни Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилинишини тўлиқ қўллаб-қувватлаган ҳолда, Ўзбекистон ХДП МК Ижроқўми ҳайъати мамлакат раҳбариятининг ушбу қарори партия электорати ҳаётий манфаатларига тўла ҳамоҳанг эканлигини таъкидлайди. Ўз навбатида, бу партиянинг барча ташкилотлари ва депутатлар тузилмаларидан ижтимоий сиёсатнинг тегишли вазифаларини амалга оширишда фаол иштирок қилишларини талаб этади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳайъати **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 13 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали мажлисдаги маърузасида баён этилган қоида ва хулосалар тўла-тўкис қўллаб-қувватлансин.

2-бет

## ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА ДАДИЛ ҚАДАМ

Қорақалпоғистон Республикасининг иқтисодий ўсишида Тўрткўл туманидаги «Тўрткўлтекс» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонасининг муносиб ўрни бор.

Қўшма корхона йилига 2874 тонна пахта хомашёси ва 833 тонна калава ипдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаради. Маҳсулотнинг саксон фоизи экспорт учун мўлжалланган.

Айни чоғда корхонада 1500 нафар ишчи меҳнат қилади. Улар томонидан тайёрланаётган кийим-кечаклар бежиримлиги, сифати билан истеъмолчиларга манзур бўлмоқда.

✧✧✧



***Суратда:** қўшма корхона тикувчиси Муҳаббат Тойирова.*

**Бердиниёз АЛЛАШЕВ (ЎзА) олган сурат.**

**● Фракция фаолияти**

## ОАВнинг ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

### ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШАДИ

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси томонидан «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари» мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, телевидение, радио ва матбуот нашрлари вакиллари, мутахассислар ҳамда Ўзбекистон ХДП фаоллари иштирок этдилар.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқида оммавий ахборот воситалари фаолиятига алоҳида тўхталиб, бу соҳадаги бир қатор масалаларни ўртага ташлаган эди. Шу боисдан ҳам оммавий ахборот воситалари фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Давлат ҳокимияти органлари фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш тўғрисида», «Оммавий ахборот соҳасидаги иқтисодий муносабатларнинг асослари тўғрисида» ҳамда «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ҳамда «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунлар лойиҳалари Олий Мажлис қуйи палатаси муҳокамасига киритилмоқда.

Давра суҳбатида ана шу қонунлар лойиҳаларини ўрганиш, мукаммаллаштириш масалалари ҳақида фикр юритилди.

Фракция раиси **Аслиддин РУСТАМОВ** мазкур қонунлар лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, ислоҳ этиш ва модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилганлиги ва кўп жиҳатдан оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлаш, журналистлар фаолиятининг кафолатларини такомиллаштириш масалаларига қаратилганлигини таъкидлади.

Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Гулистон Аннақличева ҳамда Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси Хуршид Дўстмуҳамедовлар мазкур қонунлар оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий асосларини янги босқичга кўтаришини таъкидлаб ўтдилар. Эътироф этилдики, ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар журналистларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ахборот ҳудудини янада кенгайтиришга, ахборот эркинлигини таъминлаш билан бирга шахс, жамият ҳамда давлатнинг ахборот хавфсизлигини таъминлашга ҳам йўналтирилган. Оммавий ахборот воситаларини ташкил этиш, уларнинг ишлаши, фаолиятини тўхтатиш жараёнидаги иқтисодий муносабатларни тартибга солиш янги қонун лойиҳаларида тўлиқ ўз аксини топган. Биринчи марта ОАВга мулк эгаси мақоми белгиланиб, унинг қонуний асослари яратилмоқда. Лойиҳалар устида ҳали муҳокамалар давом этмоқда.

2-бет

## ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

### МАШИНАСОЗЛАРНИНГ СИФАТ ТЎГАРАКЛАРИ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Мамлакатимиз автомобилсозлик гиганти — «ЎзДЭУавто» компанияси жамоаси жаҳон андозалари даражасида кўркам ва пишиқ автомобиллар — «Нексия», «Нексия донс», «Матиз», «Дамас», «Ласетти» ишлаб чиқаришда замонавий усуллардан бири — Сифат тўгараклари ташкил этиб, улар фаолиятини кенг йўлга қўйганлиги ҳақида илгари ҳам бир неча бор хабар қилгандик. Бундан кутилган мақсад — маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини тушириш, машина-механизмлари хизмат муддатини узайтириш, хомашё ҳамда материаллардан иқтисод қилиш, ишчилар малакасини ошириш, техника хавфсизлигини таъминлаш ва қатъий меҳнат интизомини мустаҳкамлаш эди.

Изланишлар ва интилишлар самарали бўлди. Масалан, биргина «Изланувчи» сифат тўгараги аъзоларининг роботлар электр кабелларини узоқ муддат ишлаши устида олиб борган изланишлари корхонада йилига 19 минг 500 АҚШ доллари миқдорида сарф-харажатларни камайтирди.

Яқинда корхона ишлаб чиқаришида ўзига хос янгилик куртаклари бўлган ана шу тўгараклар ўртасидаги беллашув ғолиблари аниқланди. Унда «Матиз», «Ласетти», «Конструктор» тўгараклари аъзолари фахрли ўринларни эгаллашди. Шунингдек, «Кибернетика-2», «Изланувчи», «Пис сервис» жамоалари ҳам махсус совринлар ва пул мукофотлари билан тақдирландилар.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ**

## ПАРЛАМЕНТ ЖУРНАЛИСТИКАСИДАН ФУҚАРОЛИК ЖУРНАЛИСТИКАСИГА

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда «ОАВни демократлаштириш» лойиҳаси доирасида бир қатор масалалар муҳокама этилди.

Институт қошида 2004 сайловлар йилида фаолият кўрсатган Парламент журналистикаси клуби Сиёсий журналистика клубига айлантирилди. Ўтган вақт давомида ушбу клубнинг 30 дан зиёд йиғилишлари ўтказилди. Уларда экспертлар томонидан ОАВга оид 40 га яқин ҳужжатлар, қонунлар лойиҳалари муҳокама қилинди. Бир қатор йиғилишлар алоҳида оммавий ахборот воситалари фаолиятининг таҳлилига ҳам бағишланди. Жумладан, «Ўзбекистон овози» ва бошқа партия нашрларининг вакиллари иштирокида «Партиявий матбуот таҳририятининг сиёсати: муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари» мавзуи муҳокама қилинди.

Сайлов якунлари бўйича миллий матбуот мониторинги ўтказилди ҳамда журналистлар ўртасида сайловларни ОАВда ёритиш мавзуида танлов ташкил этилди.

**(Ўз мухбиримиз)**

**● Ер эгаси эртага ким бўлади?**



## ТАНЛОВ ҚАНДАЙ ЎТМОҚДА?

### ТАҲРИРИЯТИМИЗ САВОЛИГА ЖОЙЛАРДАГИ МУХБИРЛАРИМИЗ ТЕЛЕФОНДА ЖАВОБ БЕРДИЛАР

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ, Сурхондарё вилояти:**

— Мана, мен ҳозир вилоятнинг Денов туманидаман. Қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкатлар)ни фермер хўжаликларига айлантириш бўйича қайта ташкил этиш комиссияси раиси **Зокиржон Ориповнинг** айтишича, комиссия аъзолари билан бирга 7 кишидан иборат жамоатчилик кенгаши аъзолари (қишлоқ фуқаролар йиғинлари вакиллари — оқсоқоллар, тажрибали деҳқонлар, тадбиркорлар) жараёнга жадал киришганлар. Айниқса, ҳозир тумандаги Бобур номли, «Холчаён» ширкат хўжаликларида бу ишлар қизғин кетмоқда. Бобур номли ширкат хўжалигида танловга қўйилган 24 та лойиҳа контурига бугунгача 89 нафар талабгордан ариза тушган бўлса, «Холчаён»да 30 лойиҳага 66 нафар бўлғуси фермерлар даъвогарлик қилишаяпти. Демак, ҳар бир контурга 2-3 нафардан (баъзиларига 4 нафардан ҳам) талабгор бор. Бу — ҳудудда жорий йил охиригача мавжуд 597 та фермер хўжаликлари сафига яна шу икки хўжаликнинг ўзидан 54 та фермер хўжалиги қўшилади, дегани. Мазкур кўрсаткичлар туман қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фермерлар улушини 2006 йилда яна 35-40 фоизга кўпайишидан далолат...

Дарвоқе, ҳозир туманнинг зарар кўриб ишлаётган ва бугунги кунда тугатилиб, негизида фермер хўжаликлари ташкил этилаётган қайси бир ширкат жамоасига борманг, бўлажак фермерлар билан гавжум масканларни кўрасиз. Бирида — талабгорлар ўзини ўзи бошқариш органлари, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари бошқаруви (маъмурияти) бинолари деворларига осиб қўйилган контурларнинг лойиҳалари, ўлчамлари, жойи, сифати, экинларга ихтисослашув сингари маълумотлар билан танишаётган бўлсалар, бирида — комиссия томонидан уларнинг аризалари, бизнес-режалари, мутахассислиги, маълумоти, иш стажи, мажбуриятлардан ҳоли бўлган пул маблағлари, техника воситалари — хуллас, талабгорларнинг бор имкониятлари ўрганиб чиқилаяпти.

Туман ҳокими қарори билан жойларда фермер хўжаликлари ташкил этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари тўғрисида комиссия ва жамоатчилик кенгашлари аъзолари ҳамда мутахассислар иштирокида талабгорлар билан давра суҳбатлари, очиқ мулоқотлар, савол-жавоблар ҳам ўтказилаяпти. Уларда керакли йўл-йўриқлар, услубий кўрсатмалар, тавсиялар ва маслаҳатлар берилмоқда.

Энг муҳими — ер танловида қариндош-уруғчилик, таниш-билишчилик ва таъмагирлик ҳолларига йўл қўйилмаслиги чора-тадбирлари қатъий назорат остига олинган.

Касбдошларимиз эса бу борада кечаётган жараёнларни қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича Республика комиссиясининг шу йил 3 декабрдаги йиғилиши эртасигаёқ кенг ёритишга киришдилар. «Ер эгаси эртага ким бўлади?» мавзуида телерепортажлар берилаяпти, мақолалар босилаяпти. Мулоқотлар ва давра суҳбатлари тўғридан-тўғри эфирга узатилиб, баёни ва тафсилотлари газеталар саҳифаларидан изчил ўрин олмоқда...

**Шуҳрат ҚАРШИЕВ, Самарқанд вилояти:**

— Шу кунларда вилоятнинг барча қишлоқ туманларида ерларни талабгорларга қонунда белгиланган тартибда, фақат танлов асосида берилиши, танловларнинг ошкора ва жамоатчилик кузатуви остида, адолатли ва ҳаққоний ўтказилиши қатъий мезон қилиб белгиланди. Ана шу мезон ижросига путур етказадиган айрим «дасти узун» кишиларнинг сунъий равишда алоҳида енгил шароитлар яратиш эвазига аҳолининг асосли норозилигини келтириб чиқарадиган ҳар қандай ҳолатларнинг олдини олиш чора-тадбирлари кўрилган. Бу ишга ҳатто прокуратура ва ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари ҳам жалб этилди. Мақсад битта: танлов қонуний, ҳаққоний ва холисона бўлиб, қонун бузилиши ҳолатлари аниқланган тақдирда айбдорларга нисбатан кескин чоралар кўрилиши, пировардида, ер ўз эгасини топиши керак...

Ширкат хўжаликларини фермерлик жамоаларига айлантириш бўйича ҳозирги қайта ташкил этиш жараёнларида вилоятда 58 та ширкат хўжалиги негизида 1926 та фермер хўжалиги тузиш режалаштирилган. Ҳолбуки, фермер бўламан деган талабгорлардан 2812 та ариза тушган. Улар ўртасида ғолиб чиққанлар тасаруфига 136 минг 453 гектар ер берилиши кўзда тутилаяпти.

— Шу кунларда вилоятимизнинг 9 туманида 9 та фермер хўжалигини қайта ташкил этиш комиссияси иш олиб бораяпти, — дейди мазкур **комиссия фаоли Тўхта Худойназаров.** — Уларда талабгорларга етарли шарт-шароитлар яратилиб, жараённинг кечиши, яъни танловда қўйилаётган баллар (рейтинглар) ҳақидаги ахборотларнинг ошкора эълон қилиниши таъминланаяпти.

Айни пайтда талабгорларга фермер хўжаликларининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ўргатилмоқда. Ҳар бир бўлғуси фермер (талабгор), кузатувчилар, қайта ташкил этиш комиссияси раислари ва аъзолари ҳамда жамоатчилик кенгашларининг фикр-мулоҳазалари атрофлича таҳлил қилинмоқда...

**— Қайта ташкил этиш Низомига мувофиқ комиссия қонуний тарзда рад этаётган аризалар ёки талабгорларга балл (рейтинг) қўйишда янги меъёрий ҳужжатларнинг ҳуқуқий асосларига кўра ўринли жавоб қайтараётган ва бу жавоблардан талабгорлар қониқиш ҳосил қилаётган (хафа бўлиб қолмасдан тўғри тушуниб олаётган) ҳолатлар ҳам борми?**

— Бор. Боя суҳбатдошимиз айтганидек, бугунги қайта ташкил этиш жараёнларида талабгорларнинг балл(рейтинг) натижалари ошкора эълон қилинмаса, уларга ташкилий-ҳуқуқий асослар ўргатилмаса ва жамоатчилик кенгашлари фикрлари инобатга олинмаса жараён қийин кечиши турган гап, ахир. Масалан, айрим туманлардаги ширкат хўжаликларида фермерликка талабгорларнинг баъзилари илгари — МТП, электр энергияси таъминоти идораси, телефон-алоқа тармоқларида ишлаган одамлар бўлиб, улар ҳам «мен ширкат ҳудудида фалон йилдан буён яшайман, ишлайман» қабилида комиссияга ариза берганлар. Ҳолбуки, танловда талабгорларнинг фақат қишлоқ хўжалиги экинлари парвариши билан боғлиқ иш стажигина инобатга олинади. Ёки бўлмаса, бугунга қадар ҳам фермер бўлиб келган, аммо сўнгги 2-3 йилда маҳсулот етиштириш режасини сурункасига барбод қилган фуқаролар ҳам яна талабгор сифатида комиссияга ҳужжат топширган. Табиийки, 2-3 йиллаб мавжуд ерлар умрини зое кетказган бундай фермерларнинг ҳам бали паст бўлади...

Яна шундай фермерлар борки, олдиндан эгаллаб келаётган ерига қўшимча янги контурларга талабгор бўлишаяпти. Бундай ҳолларда комиссия талабгорнинг мавжуд яроқли техникаси ва мажбуриятдан ҳоли бўлган пул маблағлари фақат олдинги ер майдонларигагина етарли эканлигини ҳисобга олиб, қўшимча лойиҳага бўлган аризасини қонунан рад этмоқда.

Хуллас, Самарқандда зарар кўриб ишлаб келаётган ширкат хўжаликларини тугатиб, улар ўрнида истиқболли фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш жараёнлари қизғин бормоқда...

**«Ўзбекистон овози» мухбири Номоз САЪДУЛЛАЕВ тайёрлади.**

**● «ОБУНА — 2006»**

**Шу кунларда бутун мамлакатимизда даврий нашрларга обуна бўлиш қизғин давом этмоқда.**

**Газетхонларимизда эса кириб келаётган янги 2006 йилда ҳам маънавий эҳтиёжларини қондириш имконияти пайдо бўлди.**

**Агар сиз «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарига обуна бўлсангиз, бутун йил бўйи ўзингизни қизиқтирган турли мавзулардаги мақолаларни ўқиб бориш имкониятига эга бўласиз.**

**Халқимиз тилининг учида турган гаплар, долзарб мавзулар, «Журналист текшируви», «Аччиқ, аммо очиқ гаплар», «Халқаро ҳаёт», «Биз билган ва билмаган тарих», «Иқтисод ва ислоҳот», «Миллат ва маънавият» каби қатор рукнлар остида берилаётган мақола, суҳбат ва кузатишларимизни сизнинг ҳукмингизга ҳавола этамиз.**

**Мамлакатимиз сиёсий кучларининг сўл қаноти бўлган Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳаёти, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси фаолияти, партиямиз томонидан кўтарилаётган муаммолар, унинг электорати ижтимоий муҳофазаси билан боғлиқ дадил чиқишлар фақат «Ўзбекистон овози» газетасида эълон қилиб борилади.**

**Газеталаримизга, газетангизга обуна бўлишга шошилинг.**

**Маънавий эҳтиёжингизни қондириш имкониятини қўлдан берманг.**

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'ZBEKISTON XAVO YOLLARI
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

*Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳайъатининг*
**ҚАРОРИ**

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ КЕНГАШЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ПРЕЗИДЕНТ И.А.КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ 13 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСДАГИ МАЪРУЗАСИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

2. Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари юқорида қайд этилганлардан келиб чиққан ҳолда, туман ва шаҳар партия кенгашлари, бошланғич партия ташкилотлари ва ХДП депутатлар тузилмаларининг саъй-ҳаракатларини қуйидаги устувор вазифалар ечимига қаратсинлар:

— муайян чет эл кучлари томонидан Ўзбекистонга, унинг миллий манфаатлари, анъаналари ва халқимиз маънавий қадриятларига тўғри келмайдиган жамият тузумининг сохта демократик моделини зўрлаб ўтказишга қаратилган интилишларини фош қилиш бўйича мақсадли, кенг миқёсли аксилтарғибот ишлари бошлансин.

Партия ва бошқа оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлар ҳамда оммавий-сиёсий ишлар орқали мамлакатимизда ташқаридан бошқариладиган нодавлат нотижорат ташкилотлар тармоғи яратилишининг илҳомчилари, ташкилотчилари ва ҳомийлари расмий тусда эълон қиладиган «ҳуқуқни ҳимоя қилиш» ва «хайрия» йўналишларига мос бўлмаган, ҳақиқий мақсадлари ишончли тарзда фош қилинсин. Бунда баъзи нодавлат нотижорат ташкилотларнинг «ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолияти» уларнинг қонунчилик томонидан белгиланган ваколатлари доирасидан чиқаётгани ва ҳеч кимнинг ҳуқуқини ҳимоя қилишга қодир эмаслигини, чунки уларнинг фаолияти давлат ҳокимиятининг қонунчилик, вакиллик ва суд ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимидан ташқарида олиб борилиши яққол мисоллар билан тушунтириб берилсин.

— партия барча тузилмаларнинг фуқаролик маърифати ва тарбияси тизими ишини шакллантириш ва ташкил этишда фаол иштироклари таъминлансин. Ушбу иш жараёнида Ўзбекистон ХДП аъзолари ва партия электорати вакилларида ҳозирги замон демократияси мазмун-моҳиятини тўғри тушуниш, онгли ва масъулиятли фуқаролик хулқи кўникмаларини шакллантиришга аҳамият берилсин. Уларда жамиятга қарши акцияларда иштирок этишга қарши барқарор иммунитет, хорижий марказлар маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган «гуманитар» ва «хайрия» лойиҳа ҳамда грантларга нисбатан зийрак муносабатда бўлиш фазилатлари шакллантирилсин;

— муайян хорижий марказларнинг алдови туфайли жамиятга қарши фаолиятга тортилган одамларни партия ташкилотлари тизимлари ва унинг ижтимоий ҳамкорларини ижтимоий муҳим муаммоларни ижобий ечиш ишларига жалб қилиш ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида иштирок этишга қизиқтириш орқали уларни хорижий марказлар таъсиридан халос этиш ва қайтариб олиш ишлари кучайтирилсин.

3. Партия ташкилотлари ва партия депутатлар тузилмаларининг Ҳомийлар ва шифокорлар йили тадбирларида фаол иштирокларини таъминлаш мақсадида қуйидаги вазифаларнинг изчил бажарилиши таъминлансин:

— жойларда ташкил этилаётган Ўзбекистон ХДП жамоатчилик қабулхоналарининг иш самарадорлиги қатъийлик билан ошириб борилсин. Бунда уларнинг барча саъй-ҳаракатлари у ёки бу ижтимоий муаммоларни ҳал этиш ёки ўз конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишда қийинчиликларга дуч келган кишиларга амалий ёрдам беришга қаратиш лозим. Бу ишни партия электоратида ташқаридан зўрлик билан ўтказилаётган турли сохта демократик «митингбозлик» ва «норозилик» амаллари эмас, ҳуқуқий майдон доирасида қўлланиладиган конструктив воситалар уларнинг ҳаётий манфаатларини ҳимоя қилишнинг ягона йўли эканлиги тўғрисидаги тушунчани шакллантиришга эришилсин;

— ижтимоий сиёсатни бошқаришни амалга оширувчи қонунлар, қарорлар ва Президент Фармонларининг жойларда бажарилиши бўйича мунтазам жамоат мониторинги олиб борилсин. Маҳаллий давлат органлари ва бошқарувлари масъул шахслари томонидан тегишли ҳуқуқий меъёрларни бажармаслик ёки бюрократизм, мансабга нолойиқлик кўринишлари бўйича ҳеч бир ҳолатни эътиборсиз қолдирмаслик, ушбу ҳодисаларга принципиал баҳо бериш, депутатлар тузилмалари орқали маҳаллий давлат органлари томонидан қонунларнинг сўзсиз бажарилишига эришилсин;

— жамиятда ижтимоий бирдамлик муносабатларини ривожлантириш, барча мулк шаклларидаги корхоналар, иқтисодий жиҳатдан фаол ва жамиятнинг бадавлат аъзолари, ижтимоий ва хайрия жамғармалари, маҳалла ва жамоатчилик институтларини Ҳомийлар ва шифокорлар йили ижтимоий дастурларини амалга оширишда фаол иштирок этишга бутун чоралар билан кўмаклашилсин. Уларга аҳолининг муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоясини таъминлашда иштирок этишлари учун рағбатлантирувчи иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга ёрдам берилсин.

4. Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларига:

— ХДП депутат фаоллари билан туман ва шаҳар ташкилотларида ўтказилаётган семинарлар доирасида Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалари муҳокамасини ташкил этиш;

— жорий йилнинг 20 декабрига қадар мазкур қарорнинг бажарилишини таъминлаш бўйича кенгайтирилган амалий иш режаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш вазифалари топширилсин;

— маҳаллий партия ташкилотлари фаолиятини ҳар ҳафта мониторинг қилиш доирасида мазкур қарорнинг бажарилиши ва жамоатчилик қабулхоналари ишини йўлга қўйиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида мунтазам равишда партия Марказий Кенгашига ахборот бериб борилсин. Ушбу маълумотларнинг тўлалиги ва ҳаққонийлигига Ўзбекистон ХДП тегишли кенгашларининг раислари шахсан масъул эканликлари белгилаб қўйилсин.

5. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали мажлисдаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларни жорий йилнинг 23 декабрида туман ва шаҳар партия кенгашлари раисларининг, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари иштирокида, Тошкентда бўлиб ўтадиган умумпартиявий семинар-кенгаш кун тартибининг алоҳида масаласи сифатида муҳокама этиш зарур, деб ҳисоблансин.

6. «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари, «Мулоқот» журнали ва минтақавий партия кенгашлари нашрларининг таҳририятлари Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда қилган маърузасида кўтарилган масалаларга ҳамда партия ташкилотларининг Ҳомийлар ва шифокорлар йили тадбирларини амалга оширишдаги иштирокларига доир материалларни мунтазам равишда чоп этиб, партия аъзоларининг энг яхши хайрия ишлари, шифокор ва тиббиёт муассасалари бошқа ходимларининг жасоратли меҳнатлари мисолида партия электоратининг муносиб вакиллари сифатида кенг тарғиб қилиб борсинлар. Бу мақсадда жорий йилнинг 15 декабридан бошлаб «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари саҳифаларида тегишли рукнлар ташкил этилсин.

7. Ушбу қарор «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари ва минтақавий партия кенгашлари нашрларида чоп этилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини ташкил этиш Ўзбекистон ХДП МК раисининг ўринбосарлари И.А.Кочмарик (мувофиқлаштириш), Ш.З.Абдуллаева, Н.Ҳ.Каримов, Г.А.Аъзамова зиммасига юклатилсин.

(Давоми. Боши 1-бетда)

**Фракция фаолияти**

# ОАВнинг ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

## ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШАДИ

**Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бош муҳаррири:**

*— Оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш тўғрисида аввал ҳам қатор қонунлар қабул қилинган. Аммо янги қонун лойиҳаларининг ишлаб чиқилаётганлиги амалдаги қонунларимиз ночор аҳволда экан, эскириб, талабга жавоб бермай қолибди, деган фикрни туғдирмайди. Давр ўтиши, жамият, жамият олдидаги вазифаларнинг ўзгариши билан бу қонунларга маълум бир ўзгартиришлар, тўлдиришлар киритишга зарурат туғилди. Аммо бу лойиҳалар ҳам айрим камчиликлардан ҳоли эмас.*

*«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонун лойиҳасида қонун тилига амал қилинмаган. Баъзи жойларда шарҳ тилига ўтиб кетилган.*

*Амалдаги мазкур қонуннинг бешинчи моддасида «Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситалари ўз фаолиятини давлат тили ҳақидаги Қонунга мувофиқ амалга оширади» деб қисқа ва лўнда ёзилган. Таклиф этилаётган лойиҳада эса «...ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ давлат тилидан ва бошқа тиллардан фойдаланади» дейилган. Бу ерда мантиқ бузилган. Менинг таклифим шундайки, амалдаги қонундаги жумлалар сақлаб қолиниб, давомидан «Оммавий ахборот воситалари, шунингдек, давлат тилидан бошқа тилларда ҳам нашр этилиши мумкин», дейилса аниқ бўлади.*

*9-модда «цензурага йўл қўйилмаслик» деб номланган. Бунга ҳам алоҳида эътибор бериш керак. Чунки, бу тугалланмаган фикр. Модданинг биринчи жумласи ҳам жуда катта ва тушунарсиз. Жумлани учга бўлиб ихчамлаштириш, тушунарли тилда мақсадни ифодалаш лозим, деб ўйлайман.*

*Лойиҳаларнинг битта катта камчилиги шундан иборатки, уларда «айрим ҳолларда» деган гап кўп ишлатилган. Дунё қонунчилигида қонуншунослар айнан шунга қарши курашади. «Айрим бошқа ҳолларда», «баъзи ҳолатларда», деган нарса бутун қонуннинг илдизига болта уради. Чунки, ҳар қандай қонунбузар мана шундан фойдаланиши мумкин.*

**Сафар ОСТОНОВ, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари бош муҳаррири:**

*— Бу қонунлар лойиҳаларини шу ҳолга келтиргунга қадар жуда катта меҳнат қилинган, албатта. Аммо назаримда уларнинг айрим бандлари таҳрирталаб, ортиқча жумлалар бор. Мен «Давлат ҳокимияти органлари фаолиятини Оммавий ахборот воситаларида ёритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида ўзимнинг айрим фикрларимни билдирмоқчиман.*

*Қонуннинг 4-моддасидаги* ***«...Ҳамманинг эркин фойдаланиш учун қулайлик ва ишончлилик ҳисобланади»*** *деган жумла биринчидан ғализ, иккинчидан кераксиз. Нимадир демоқчи бўлса, уни тўғри, тушунарли қилиб ифода этиш керак.*

*5-моддадаги* ***«Давлат ҳокимияти органлари вакиллари ушбу органлар фаолияти масалалари бўйича оммавий ахборот воситаларида чиқиш ҳуқуқига эга», деган банд шартми?*** *«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасида («сўз эркинлиги»)* ***ҳар ким ОАВда чиқиш, ўз фикри ва эътиқодини очиқ-ошкора баён этиш ҳуқуқига эгалиги*** *кўрсатилган. Давлат ҳокимияти органлари ўз нашрлари билан муносабатларини шартнома асосида белгилаб олади-ку.*

*17-моддада Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзоларининг маҳаллий давлат ОАВда чиқишлари кўрсатилган. Биринчи хатбошида «Маҳаллий давлат оммавий ахборот воситалари ҳудудий сайлов округидан сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари илтимосига кўра, икки ойда бир марта телеканалда, ҳар ойда бир марта радиоканалда уларнинг чиқиб туришларига имконият яратишлари керак» дейилган.* ***Савол: нега бир марта? Эҳтимол, камида бир марта дейиш керакдир. Чунки, бир депутат маълум бир долзарб мавзуда ўзбек тилидаги ҳукумат газетасида чиқиш қилди. Айнан шу мавзуда рус тили ёки тожик, қозоқ тилида ҳам чиқиши мумкин. «Бир марта» дейилса чеклаб қўйилади-ку. Агар депутат ёки сенат аъзоси мақоласи жамиятга фойдали бўлса имкон қадар кўпроқ чиқавергани маъқул эмасми? У қанча фаол тарғиботчи бўлса, шунча яхши-ку.***

*Ушбу моддадаги* ***«илтимоси», «илтимоснома»*** *сўзлари қонунчилик атамаларига мос келмайди.* ***Уларни бошқа сўз билан алмаштириш керак.***

*Қонунлар баъзи бандларининг тили оғир. Қонун бандлари соф ўзбек тилида ёзилиши, оддий одамларга ҳам тушунарли бўлиши керак.*

**Исмат ХУДОЁРОВ, «Ҳуррият» газетаси бош муҳаррири вазифасини бажарувчи:**

*— Лойиҳаларда фавқулодда вазиятларни ёритиш белгиланган тартибда амалга оширилиши айтилган. Белгиланган тартиб-бу қанақа тартиб? Мана тасаввур қилинг. Худо кўрсатмасин, бир жойда ёнғин ёки авария бўлган. Журналист у ерга то белгиланган тартибга амал қилиб боргунига қадар кеч бўлади. Журналист ҳақиқий аҳволни ўз кўзи билан кўролмай қолиши, манзара бутунлай ўзгариб кетиши мумкин. Бу норма назаримда ҳуқуқларимизни чеклайди. Шунинг учун буни чиқариб ташлашни таклиф қиламан.*

*«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонун лойиҳасида «Оммавий ахборот воситаларининг муассиси томонидан ушбу оммавий ахборот воситасининг устав жамғармасидаги ҳиссаси улушидаги хорижий сармоянинг ҳиссаси 30 фоиздан ортиб кетишига йўл қўйилмайди» дейилаяпти. Жаҳон тажрибасида бу кўрсаткич 100 фоиз даражасида ҳам бор. МДҲ мамлакатларида 49 фоиз ҳолати ҳам учрайди. Тўғри, бунинг ҳар хил яхши-ёмон томонлари бўлиши мумкин. Менинг фикримча, биз ҳам буни 49 фоизга чиқарсак ёмон бўлмайди, деб ўйлайман.*

**Анвар ШУКУРОВ, Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:**

*— Мен журналистларнинг қалам ҳақи масаласини кўтармоқчи эдим. Баъзи одамлар мақоласини матбуотга беради-ю, гонорари керак эмас, дейди. Чунки, қалам ҳақидан ҳам ойлик иш ҳақи сингари солиқ ундирилади. Журналист кечаси ухламасдан, кузатувлар, таҳлиллар ўтказиб, катта бир долзарб масалани кўтарса ҳам, оддий ҳисобот ёзса ҳам тенг гонорар олади ва ундан солиқ тўлайди. Унинг моддий манфаатдорлиги юқори даражада бўлмайди. Демак, журналистика самарадорлиги ҳам юқори бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун бу масалаларни ҳам бир ўйлаб кўриш керак.*

Давра суҳбати қизғин баҳс-мунозаралар билан ўтди. Унда «Мир новостей» газетаси мухбири Надежда Степанова, Қонунчилик палатаси депутати Алия Юнусова, ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходими Норбобо Шакаров, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги масъул ходими Ўткир Зокировлар ҳам фаол қатнашдилар.

Давра суҳбатида билдирилган барча фикр-мулоҳазалар, таклифлар умумлаштирилиб, Ўзбекистон ХДП фракцияси томонидан Қонунчилик палатасининг тегишли қўмиталарига тақдим этилади.

**Беҳзод ШУКУРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

(Давоми. Боши 1-бетда)

**Маҳсулот — ўзимизники, Ўзбекистонники!**



*Янгиер шаҳридаги йўл-индустрия корхонасида 260 нафар киши ишлайди. Бу ерда 38 турдаги темир-бетон маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилган. Кўпмиллатли жамоа томонидан ҳар ойда 550-600 кубометр ёки 63-64 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилаяпти. Корхонада тайёрланаётган девор тўсиқлар, лотоклар, бетон қудуқлар, пойдевор учун блоклар, ҳар хил йўл тўсиқлари, бетон зинапоялар ва қурилиш учун зарур бошқа хил маҳсулотларга эҳтиёж ортмоқда. Сабаби: улар нисбатан арзон, лекин сифатли ва мустаҳкам. Бунда корхонада меҳнат қилаётган ишчи ва мутахассисларнинг хизматлари катта.*





**Суратларда:** *металлни қайта ишлаш цехи ишчиси Руслан Тен; темир-бетон тўсиқлар тайёрлаш жараёнидан кўриниш.*

**Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

**Ислоҳот ва масъулият**

# ТУРМУШИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ

## МАВЖУД ИМКОНИЯТЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИБ, ОДАМЛАР ОҒИРИНИ ЕНГИЛ ҚИЛИШГА ВА УЛАРДА ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ ТУЙҒУЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШГА БОҒЛИҚ, — ДЕЙДИ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА ЎРИНБОСАРИ САЛОҲИДДИН САМАДОВ

**— Ҳозирги пайтда юздан ортиқ миллатлар истиқомат қилаётган Навоийнинг иқтисодий салоҳияти, кишиларининг фаровон турмуш тарзи кўп жиҳатдан бугун вилоятда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларга, қолаверса, мазкур ишларга масъул раҳбар-ходимларнинг саъй-ҳаракатларига боғлиқ. Шу маънода айни пайтда вилоятнинг иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари қайси омиллар ҳисобига ортиб бормоқда?**

— Дарҳақиқат, ҳар бир вилоятнинг ўз шароити, ривожланиш йўлига қараб йиллик бюджети, истиқбол режалари бўлади. Буни биргина вилоятимиз мисолида олиб қарайдиган бўлсак, унинг жорий йилдаги бюджети 68 миллиард 210 миллион сўмни ташкил этди. Ана шу маблағнинг ярмидан кўпроғи халқ таълими ва соғлиқни сақлаш соҳаларига йўналтирилган бўлса, маълум қисми аҳолининг ижтимоий ҳимояси, турмуш тарзини яхшилашга сарфланиши кўзда тутилган. Шунингдек, мавжуд имкониятлар, қўшимча ресурслардан фойдаланиб иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, ички бозорни истеъмол моллари билан тўлдириш, қишлоқ инфратузилмаси замон талаблари даражасида бўлишини таъминлаш борасида ҳам жиддий ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Ўтган 11 ойда вилоятда ялпи ички маҳсулот ҳажми (736,0 млрд. сўм) ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 фоизга ошди. Қишлоқ хўжалиги, саноат, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳам сезиларли даражада ўсди. Капитал қўйилмалар ҳажми, чакана савдо айланмаси, пуллик хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам барқарорлик таъминланди.

Шу ўринда савол туғилади: бу ютуқларга ниманинг ҳисобига эришилди? Биринчи галда қишлоқ хўжалиги, қолаверса, саноат ривожига асосий кучларнинг сафарбар этилаётгани билан боғлиқ. Бугун вилоятда сармоядорлар ортаётгани, хорижий инвесторлар билан ҳамкорлик иқтисодий аҳволнинг ўнгланишига олиб келаяпти. Шу боис вилоятимиз ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан республикамизда пойтахтимиздан кейинги ўринга кўтарилди. Агар вилоятдаги чет эл инвестицияси иштирокидаги мавжуд 44 та корхонанинг тўла қувватда ишлаши таъминланса ёки якка тартибда фаолият кўрсатаётган субъектлар сони кўпайса ишимиз, иқтисодиётимиз янада юксалади. Чет давлатларга юксак сифатли миллий маҳсулотлар жўнатаётган «Зариспарк», «Зарафшон-Ньюмонт», «Голдъфилдс», «Золотое руно» сингари истиқболли корхоналар фаолиятини янада яхшилаш фойдадан ҳоли эмас. Айниқса, Россия — Ўзбекистон муносабатларида янги саҳифа очилиб, иқтисодий ҳамкорликда ижобий силжишлар юзага келаётган ҳозирги шароитда бу мамлакат инвесторларини вилоятимизга кўпроқ жалб этиш янги корхоналарнинг юзага келишига, ишчи ўринлари очилишига замин яратади.

**— Вилоят аҳолисининг ижтимоий ҳимояси, уларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларга ҳам атрофлича тўхталсангиз?**

— Вилоятимиз Қизилқум чўлига яқинлиги, туманларимиз аксарият қисми тоғолди ва чўл шароитида бўлгани боис аҳоли яшаш шароити бошқа жойларга нисбатан фарқ қилади. Шу сабаб бизда бандлик, муқим иш ўринларига эга бўлиш бирмунча мураккаб. Масалан, Томди, Конимех, Нурота каби туманларимизда аҳоли ўта тарқоқ, марказларда эса зич яшайди. Бу эса тиббиёт, савдо, маиший хизмат кўрсатишда бирмунча мураккабликларни келтириб чиқаради. Яна бир ечимталаб муаммо — бу Учқудуқ, Зарафшон, Навоий шаҳарларидаги экологик танг шароит билан боғлиқ. Қазилма бойликларга, йирик саноат корхоналарига эга мазкур ҳудудларда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масаласи ниҳоятда долзарб ҳисобланади. Томди, Учқудуқ, Зарафшоннинг Орол денгизига яқин ҳудудларида турли муаммолар мавжуд. Вилоят ҳокимлиги бу муаммолар бўйича мунтазам шуғулланиб келмоқда. Бироқ, бу кам. Биз аввало аҳолининг табиий газ, тоза ичимлик суви, коммунал тўловлари, шунингдек маданий-маиший турмуш тарзи учун масъул бўлмоғимиз зарур. Бу ўринда бандлик, ёшларни иш билан таъминлаш масаласи, айниқса, чўл ҳудудларида малакали педагог, тиббиёт ходимлари етишмаётганини ҳам алоҳида айтиб ўтиш даркор.

Аввал иқтисод, кейин сиёсат, деймиз. Шундай экан, аҳолининг ойлик маоши, оилавий бюджети хусусида ҳам ўйлашимиз зарур. Масалан, вилоят марказида ишчи-хизматчиларнинг ўртача иш ҳақи 154 минг сўмни ташкил этаётган бир пайтда, Конимех, Нурота туманларида 36-38 минг сўмга тўғри келаяпти. Бу йил вилоятимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож 586 нафар кишига Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан ғамхўрлик кўрсатиб, ўтган вақт давомида боқувчисини йўқотганларга озиқ-овқат маҳсулотлари, ногиронларга 75 та аравача, 141 та эшитиш мосламаси, 250 тадан ортиқ қўлтиқтаёқ, 117 та протез-ортопедия мосламалари олиб берилди. Бундай саховатли тадбирлар келгусида яна давом эттирилади.

**— Маданият ва спорт ишлари борасида ҳам фикр билдирсангиз?**

— Вилоятда жами 1794195 китоб фондига эга 253 та кутубхона бўлиб, улар фаолиятини ривожлантириш бўйича ҳам маълум ишлар қилиниши керак, деб ўйлайман. Маданий ишларга йўналтирилган клублар, кинотеатрлар фаолиятида ҳам муаммолар мавжуд.

Вилоятимизда 549 та жисмоний тарбия муассасасида бугунги кунда 250 мингдан ортиқ ёшлар шуғулланади. 15 та стадион, 13 та замонавий сузиш ҳавзаси, 204 та спорт зали, 33 та теннис корти, 1600 дан зиёд спорт майдончалари бугун уларнинг севимли масканига айланган. Лекин қатор таълим даргоҳларида спорт залларининг йўқлиги, спорт анжомлари камлиги, малакали жисмоний тарбия мураббийлари етишмаслиги муаммо бўлиб турибди. Бу борада Нурота, Томди, Конимех, Учқудуқ туманларида мавжуд аҳволни яхшилаш юзасидан ҳозирда бир қанча тадбирлар белгиланган. Ҳозирги пайтда Навоий кон-металлургия комбинати, «Қизилқумцемент», «Навоийазот» АЖ, «Электрокимё» корхоналари мутасаддилари мактаб, коллеж ва академик лицейларга беғараз кўмагини аямаяпти. Шу билан бирга бу масалага бошқа ҳомий корхона-ташкилотлар эътиборини ҳам тортмоғимиз зарур.

Бир сўз билан айтганда, бугун вилоятда ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш баробарида аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, янги иш ўринлари яратиб, кўпчиликнинг оғирини енгил қилишга қаратилган қатор саъй-ҳаракатлар қилинмоқдаки, булар одамларда келажакка бўлган ишонч туйғуларини мустаҳкамламоқда.

**Суҳбатдош:**
**Музаффар ШАРОПОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

# БОЗОР НАРХ-НАВОСИ

## ОДАМЛАР КАЙФИЯТИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ОМИЛЛАРДАН БИРИ

«Ўзга юртга сафар қилсанг, аввал унинг бозорига кир» деган нақл бор. Дарҳақиқат, бозордаги маҳсулотлар хилмахиллиги, тўкислиги, сархиллиги ва нарху навосига қараб ўша ердаги халқнинг турмуш тарзи, фаровонлиги, маданияти ҳамда маънавиятини билиб оласан. Неча-неча минг йиллар муқаддам Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон, Шош, Марғилон сингари ўнлаб ва ҳатто юзлаб шаҳарларга келиб кетган хорижий сайёҳлар ҳамда савдогарлар ёзиб қолдирган тарихий битикларга қараганда, ўлкамиз бозорлари ўша кезларда ҳам айни мустақиллик йилларидагидек файзли-тароватли бўлган, хусусий мулкчилик авж олган...

Ҳа, Истиқлол шарофати билан мамлакатимиз бозорлари янаям кўркли, қут-баракали бўлди. Хусусий мулкчилик қайта тикланди, эркин савдога кенг йўл очилди. Президентимиз ташаббуси билан бозор иқтисодиёти ислоҳотлари шароитида анъанавий савдонинг янги замонавий услублари пайдо бўлди, ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётга имкон берувчи тадбиркорлар ҳамда ишбилармонлар тоифаси шаклланди. Янги савдо уюшмалари, концернлар, фирмалар тузилди. Бу борада Юртбошимизнинг 1996 йил 5 мартдаги **«Бозорлар фаолиятини ташкил этишни ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг шу масалага оид қарори, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июлдаги **«Ноозиқ-овқат истеъмол товарлари билан савдо қилишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори дастуриламал бўлди. Зеро, бозордаги нарх-наво одамлар кайфиятини белгилайди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳам ўзининг дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари манфаатларини ҳимоя қилишни назарда тутади. Бозордаги нарх-наволар эса уларнинг турмуш кечириши учун асосий омиллар сирасига киради.

Бозор иқтисодиёти муносабатларида «эркин бозор», «бошқариладиган бозор» деган тушунчалар мавжуд. Айни шу тушунчалар асосида Халқ демократик партияси бозор муносабатларининг эркин бўлиши тарафдори. Аммо у ўз Дастурида таърифлаган **«даромадлари ўртача даражадан паст бўлган кишилар...»**нинг истеъмолчилик ҳуқуқлари тўла ҳимояланишини таъминлайдиган ижтимоий бозор тарафдоридир. Чунки, партия бу одамлар эҳтиёжлари ва тўлов қобилиятини яхши билади...

**● Бугуннинг гапи**

ЎзХДП бозорларда нархларнинг сунъий оширилишига ҳақиқий деҳқон бозорга эмин-эркин кириб савдо қилишига тўсиқ бўлаётган иллатларга кескин эътироз билдиради, жойлардаги мутасадди идоралар раҳбарлари масалага жиддий эътибор қаратишлари лозим деб ҳисоблайди.

Қуйида **мамлакатимиз вилоятлари марказларидаги деҳқон бозорларидаги нарх-наволар ҳақида ХДП фаоллари томонидан жамоатчилик кузатуви асосида тайёрланган таҳлилий маълумотни** диққатингизга ҳавола этамиз ва бундай таҳлилларни ҳар ойда мунтазам равишда бериб боришни жоиз деб биламиз.

*(2005 йилнинг декабрь ҳолатига)*

| Т/р | Минтақалар номи | Гўшт Мол гўшти | +- | Гўшт Қўй гўшти | +- | Тухум | +- | Картошка | +- | Пиёз | +- | Сабзи | +- | Гуруч | +- | Шакар | +- | Ўсимлик ёғи | +- |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Андижон | 3100 | - | 3600 | 100 | 110 | - | 300 | - | 135 | - | 95 | -30 | 750 | - | 750 | 50 | 1300 | - |
| 2 | Бухоро | 2800 | - | 2800 | - | 105 | -5 | 300 | - | 145 | - | 150 | -50 | 675 | -25 | 710 | 25 | 1100 | - |
| 3 | Жиззах | 2800 | - | 3000 | - | 90 | - | 250 | 50 | 100 | - | 120 | -20 | 800 | 50 | 650 | - | 1200 | 100 |
| 4 | Навоий | 2600 | 100 | 2500 | 100 | 90 | 10 | 260 | 30 | 120 | 10 | 170 | 15 | 720 | 10 | 650 | 10 | 1300 | - |
| 5 | Наманган | 3100 | 200 | 3500 | 200 | 115 | - | 350 | -75 | 130 | 30 | 50 | -25 | 650 | - | 750 | 50 | 900 | 50 |
| 6 | Самарқанд | 3100 | 100 | 3500 | 100 | 120 | 5 | 280 | 25 | 100 | - | 170 | - | 700 | - | 750 | 50 | 1000 | 10 |
| 7 | Сирдарё | 2800 | 200 | 3600 | 200 | 110 | - | 350 | 25 | 120 | 20 | 75 | -25 | 700 | 50 | 700 | 50 | 1100 | - |
| 8 | Сурхондарё | 2600 | 100 | 3200 | - | 110 | - | 350 | - | 150 | - | 100 | - | 800 | 50 | 750 | 50 | 1000 | 100 |
| 9 | Тошкент ш. | 3200 | 100 | 3400 | 100 | 120 | 5 | 350 | 50 | 150 | 50 | 100 | - | 800 | 50 | 750 | 50 | 1200 | - |
| 10 | Тошкент | 2800 | - | 3200 | - | 110 | - | 260 | - | 120 | - | 160 | - | 720 | - | 700 | - | 1300 | - |
| 11 | Фарғона | 3200 | 200 | 3800 | 200 | 130 | 20 | 350 | 50 | 150 | 20 | 75 | - | 850 | - | 750 | 50 | 1000 | 50 |
| 12 | Хоразм | 2600 | 100 | 3000 | -200 | 100 | -10 | 300 | 25 | 180 | 30 | 65 | -25 | 650 | - | 650 | - | 900 | -50 |
| 13 | Қашқадарё | 2600 | 100 | 3000 | - | 110 | 20 | 300 | 25 | 120 | 10 | 120 | -30 | 750 | -50 | 700 | - | 1200 | 200 |
| 14 | Қорақал.Респ. | 2600 | - | 2700 | -50 | 100 | -10 | 280 | 20 | 140 | 10 | 140 | -30 | 600 | -10 | 750 | 50 | 1150 | - |

*Изоҳ: Олдинги ойга нисбатан аксарият ҳудудларда гўштнинг нархи (ўртача) 100 сўмдан 200 сўмгача ошган. Картошка ва пиёзнинг нархи ҳам нисбатан ошган (қиш мавсумига жамғариш ишлари бошланганлиги сабабли).*

*Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Қашқадарё вилоятининг Муборак, Нишон, Касби туманлари, Бухоро вилоятининг Вобкент, Ғиждувон, Жондор туманлари, Хоразм вилоятининг Урганч, Гурлан, Боғот туманлари, Навоий вилоятининг Нурота, Томди туманларида гўштнинг нархи нисбатан паст бўлиб, 2300-2700 сўмни ташкил этмоқда. Бироқ, Андижон, Фарғона ва Тошкент шаҳарларида мазкур нарх ойма-ой ошиб бормоқда.*

Мазкур маълумот Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг маълумотлари асосида тайёрланди.

**Ўзбекистон ХДП МК
аҳоли бандлиги ва ижтимоий
сиёсат масалалари
бўлими**

# XORIJDA

## МАҚСАД — ЯРАТУВЧАН ҲАМКОРЛИКДИР

Куала-Лумпурда Россия ва АСЕАН ташкилотининг олий даражадаги учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув якунида қўшма декларация ва 2005-2015 йилларда ҳамкорликни кучайтириш бўйича кенг қамровли дастур имзоланди.

Президент Путин савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг сифати ва ҳажмини кўпайтириш асосий масалалардан бири эканлигини таъкидлади.

— Ҳамжамият фаолиятида иштирок этиш истагини билдирган Россия минтақа ҳаётидаги долзарб масалаларни ҳал қилишга ўз ҳиссасини қўшиш ниятида, — деди Россия Президенти Владимир Путин Куала-Лумпурдаги биринчи Шарқий Осиё саммитида. — Энг аввало, биз алоқаларимизнинг шартномавий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамладик. 2004 йилда Россия Жанубий-Шарқий Осиёда дўстлик ва ҳамкорлик шартномасига қўшилди. Бир неча кун олдин эса иқтисодиёт ва ривожланиш борасидаги келишув имзоланди.




Россия ва АСЕАН террорчи гуруҳлар ва террорчилик ҳужуми хавфи ҳақидаги маълумотларни айрибошлаш ҳақида келишиб олишди. Бундай маълумотларга уюштирилиши мумкин бўлган кимёвий, биологик, радиоактив ва ядровий ҳужумлар ҳақидаги маълумот ҳам киради. Бундан ташқари гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланиши, қалбаки тўлов воситаларининг ва шахсни тасдиқловчи ҳужжатларнинг тайёрланиши ҳамда ишлатилишига қарши кураш кун тартибидаги асосий масалалардан бири бўлди.

Ҳамкорлик доирасида АСЕАНга аъзо мамлакатлар ва Россияда туризмни ривожлантириш, давлатнинг сайёҳлик фаолиятини бошқаришда тажриба алмашиш учун конференция ва семинарлар ўтказилади. АСЕАН ва Россия ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш дастурида спорт соҳасида ҳамкорлик ҳам кўзда тутилган. Дастурга кўра, Россия ва аъзо мамлакатлар спорт муассасалари, ташкилотлар ва клублар орасидаги алоқаларни йўлга қўйиш ҳамда турли спорт тадбирларида иштирок этиш режалаштирилган.

Россия Президенти фикрича, Осиёда рўй бераётган жараёнлар ўзига хос, яъни Европадаги жараёнлардан ўзгачадир.

— Бу ерда турли бирлашмалар пайдо бўлмоқда. ШҲТ ва АСЕАН шулар жумласидандир. Улар шаклан бир-бирига ўхшамаса-да, ҳаммасининг мақсади яратувчан ҳамкорликдир, — деди Россия раҳбари.

### ✓ ЛИВАН

БМТ тергов комиссияси раҳбари Ливаннинг собиқ бош вазири Рафиқ Ҳарирининг ўлими ҳақидаги иш шу суръатда давом этадиган бўлса, у яна бир-икки йилга чўзилиши мумкинлигини маълум қилди.

БМТ комиссияси Ҳарири ўлимига Сурия махсус хизматлари алоқадор деб ҳисобламоқда.

— Узоқ иккиланиш ва сусткашликлардан кейингина Сурия ҳукумати жиноятда гумон қилинаётган 5 нафар суриялик мансабдор шахс билан учрашишимизга рухсат берди, — деди БМТ терговчилар гуруҳи раҳбари Детлев Мехлис.

Бироқ Сурия вакили унинг мамлакати тергов ишларини осонлаштириш учун барча имкониятлар ишга солинаётганлигини таъкидлаган. Бундан ташқари расмий Дамашқ БМТ терговчилари гумон қилинаётган шахсларни улар тушунмайдиган тилдаги аризаларни имзолашга мажбур қилган ва шу билан инсон ҳуқуқлари борасидаги халқаро нормаларни бузишган, деб ҳисобламоқда.



### ✓ КОЛУМБИЯ

Колумбия ҳукумати мамлакатнинг тоғли ҳудудларидан биридаги ўз қўшинларини чиқариб, қўзғолончилар билан музокаралар бошламоқчилигини эълон қилди. Шу йўл билан ҳукумат қўзғолончилар қўлида бўлган гаровдаги шахсларни ҳибсдаги жангариларга алмашишни амалга оширмоқчи.

Президент Альваро Урибе кўп йиллик зиддиятларни тугатиш йўлини топиш учун халқаро воситачиларнинг таклифини қабул қилган.

Қўзғолончилар 60га яқин шахсни гаровда ушлаб ўтирибди. Гаровдагилар орасида чет элликлар ҳам бор бўлиб, улар бир неча йилдан бери тутқунликда кун кўрмоқда.

### ✓ ИРОҚ

Ироқда сайловга бир неча кун қолганда суннийларнинг етакчи сиёсатчиси ўлдирилди. Ироқнинг эркин прогрессив партияси етакчиси Мизхар Дулаймига Рамади шаҳрида, у сайловолди кампаниясини олиб бораётган пайтда суиқасд уюштирилган.

Бундан бир кун олдин Мизхар Дулайми телевидение орқали ироқликларни сайловда қатнашишга чақирган эди.

Ироқда мавжуд бўлган бир неча экстремистик гуруҳлар эса сайловчиларни «шайтон фитнаси»да қатнашмасликка ундамоқда.

Маълумотларга кўра, Яқин Шарқ, Европа, Австралия ва АҚШда яшаётган ироқликлар овоз бера бошлашган. Чет элда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган бир ярим миллионга яқин ироқликлар яшайди.

### ✓ АНГЛИЯ

Ўт ўчирувчилар якшанба куни эрталаб Хертфордшир графлигининг Бансфилд нефть омборида кучли портлаш оқибатида юзага келган ёнғинни бартараф этишга муваффақ бўлдилар.

Ўт ўчирувчилар омборнинг баъзи жойларида ёнғин кучли эканлигига қарамай, асосий ўчоқлар ўчирилганини таъкидлашди.

Бош вазир ўринбосари Жон Прескотт парламентдаги чиқишида ҳукумат ёнғин оқибатида талафот кўрганларга ёрдам беришини айтиб ўтди. Бу ёнғин Европанинг урушдан кейинги тарихида энг йирик бахтсиз ҳодисалардан бири ҳисобланади.

### ✓ ХИТОЙ

Хитойда саккиз йил давомида юз минглаб доллар пора олганликда айбланаётган собиқ ҳукумат аъзоси устидан суд жараёни бошланди.

Хэйлунцзян музофоти собиқ губернатори Тянь Фэншань, 2000-2003 йиллар давомида табиат захиралари вазири лавозимида ишлаб келган. Бироқ у икки йил муқаддам бир неча марта интизом бузганлиги учун вазифасидан озод этилган.

Хитой ҳукумати мансабдор шахслар орасида коррупция қулоч ёйишига қарши кенг миқёсда кураш олиб бормоқда.

**Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!**

Фарғона вилоят ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси
ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Объектлар номи:**

*1. Данғара тумани, Мулкобод қишлоғидаги 720 ўринли касб-ҳунар коллежи қурилиши.*
Қурилиш муддати — 10.08.2006 й.

*2. Ёзёвон тумани, Хонобод қишлоғидаги 540 ўринли касб-ҳунар коллежи қурилиши.*
Қурилиш муддати — 10.08.2006 й.

*3. Қувасой шаҳар, Валик қишлоғидаги 720 ўринли касб-ҳунар коллежи қурилиши.*
Қурилиш муддати — 10.08.2006й.

*4. Риштон тумани, Тўда қишлоғидаги 540/50 ўринли касб-ҳунар коллежини мукаммал реконструкциялаш.*
Қурилиш муддати — 10.08.2006 й.

**Манзил: Фарғона шаҳар, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 24-24-33**

*Умумий қурилиш ишлари марказлашган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.*

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (заҳирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга, ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 24-18-71, 24-18-76.

**Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм. Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади. Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.**

**Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига!**

Буюртмачи — Жиззах вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси қуйидаги объектлар бўйича танлов савдолари ўтказилишини
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**2006 йилда Жиззах вилоятида қуриладиган спорт иншоотлари:**

| Т.р. | Объект номи |
|---|---|
| **Лот №1** | |
| Лот № 1-1: | Зомин тумани, Иттифоқ қишлоғидаги 12-сонли мактабнинг спорт зали қурилиши — V тур (калити билан) |
| **Лот №2** | |
| Лот № 2-1: | Жиззах шаҳридаги «Меҳрибонлик уйи»нинг 12х24 м. спорт залини қайта таъмирлаш |
| Лот № 2-2: | Бахмал тумани, Қирққишлоқ қишлоғидаги 18-сонли мактабнинг 12х24 м. спорт зали қурилиши |
| Лот № 2-3: | Ғаллаорол тумани, Лалмикор қишлоғидаги 22-сонли мактабнинг 12х24 м. спорт зали қурилиши |
| **Лот № 3** | |
| Лот № 3-1: | Бахмал тумани, Музбел қишлоғидаги 31-сонли мактабнинг 9х18 м. спорт зали қурилиши |
| Лот № 3-2: | Ғаллаорол тумани, Обуз қишлоғидаги 28-сонли мактабнинг 9х18 м. спорт зали қурилиши |
| Лот № 3-3: | Ғаллаорол тумани, Жарбулоқ қишлоғидаги 49-сонли мактабнинг 9х18 м. спорт зали қурилиши |
| Лот № 3-4: | Фориш тумани, Бирлашган қишлоғидаги 19-сонли мактабнинг 9х18 м. спорт зали қурилиши |

Қурилиш ишларини тугаллаш муддати — 2006 йил 10 август.
Буюртмачи манзили: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 100-уй.
Телефон: (8372) 222-31-59, 222-30-11.

*Қурилиш ишларини молиялаштириш — Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги қошидаги болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Жиззах филиалининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.*

*Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.*

**Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:**

**Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хона. Тел/факс: 226-14-66.**

**Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 (эллик минг) сўм.**

**Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.**

**Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача. Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.**

BANK
XALQ BANKI

**Ўзбекистоннинг йирик ва универсал банкларидан бири ХАЛҚ БАНКИ**

мижозларга 20 га яқин жозибадор омонат турларини жорий этган ҳолда янги «МАРВАРИД» ҳамда «ФАЙЗ БАРАКА» омонат турларини таклиф этади.

**«МАРВАРИД» — муддатли**

- Сақлаш муддати — **6 ой**
- Фоиз даромадлари йиллик **36 %**
- Бошланғич бадал — **100 000 сўм**
- Фоиз даромадларини ҳар ойда олиш мумкин.

**«ФАЙЗ БАРАКА» — муддатли**

- Сақлаш муддати — **2 ой**
- Фоиз даромади йиллик **36 %**
- Бошланғич бадал — **200 000 сўм**
- Фоиз даромадлари ҳар ойда ҳисобланиб, омонат қолдиғига қўшиб борилади.

Омонатларга пул маблағлари **2006 ЙИЛНИНГ 1 ЯНВАРИГА ҚАДАР** Халқ банкининг барча муассасалари орқали қабул қилинади.

**ОМОНАТИНГИЗНИ ИШОНЧЛИ БАНКДА САҚЛАНГ ВА КЎПАЙТИРИНГ!**

*Фуқаро Ниязов Анвар Абдуллаевич Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, Туркистон кўчаси, 2-А уйда жойлашган «Қўқон шаҳар 10-автобус саройи» ОАЖнинг Низом фондига нисбатан 30 фоиз бўлган 30435 (ўттиз минг тўрт юз ўттиз беш) дона оддий акцияларини сотиб олишини маълум қилади.*

● 2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили



# «ОДАМЛАРГА ШИФО БЕРМОҚ БАХТ»

## ДЕЙДИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БОШҚАРМАСИ БОШЛИҒИ, ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ, ПРОФЕССОР, ЎзХДП ФАОЛИ НУРМАТ ОТАБЕКОВ

**«Вақтнинг шиддат билан ўтиб боришини қарангки,** — дедилар Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида, — **юртимизда «Сиҳат-саломатлик» йили деб эълон қилинган 2005 йил ҳам, мана, ўз ниҳоясига етиб бормоқда.**

**Асосий маъно-мазмуни ва фалсафаси «Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади» деган шиоримизда мужассам бўлган ушбу йилда амалга оширилган кенг кўламли ишлар, эришилган катта ижобий натижаларни бугун мамнуният билан таъкидлашга барча асосларимиз бор...»**

Дарҳақиқат, ўтган давр мобайнида республикамизда бу борада жуда кенг кўламли ишлар амалга оширилди, катта ижобий натижаларга эришилди.

— Биргина бизнинг вилоятимизда, — давом этди суҳбатдошимиз, — барча мутахассисликдаги тиббиёт ходимлари жалб қилинган ҳолда йил бўйи «Сиҳат-саломатлик йили» мазмун-моҳияти ҳақида кенг тушунтириш ишлари олиб борилди. Жумладан, маҳалла шифокорлари томонидан жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда жойларда учрашувлар, суҳбатлар уюштирилди. Уларда репродуктив саломатлик, оилада тиббий маданиятни ошириш, соғлом оилани шакллантириш, никоҳдан аввал тиббий кўрикдан ўтиш сингари соғлом турмуш тарзи масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Саломатлик марказларида «Фарзандлари соғлом юрт — қудратли бўлур» мавзуида 900 дан ортиқ тадбир ўтказилди.

Вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидаги умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежларида «Соғлом оила асослари» номли 16 соатлик дарслар ўтказилди. Қишлоқ врачлик пунктлари ва амбулаториялар шифокорлари ўзларига бириктирилган ўқув масканларида давра суҳбатлари ташкил этдилар.

1 июнь — «Халқаро болалар куни»га бағишлаб, жамоамиз ташаббуси билан вилоят руҳий анамал болалар шифо масканида «Соғлом жон-болажон» спорт мусобақалари ўтказилди. Қибрай тумани ҳокимлиги, «Нестле» компанияси ва «Мерси-Прожект» ташкилоти томонидан ушбу шифо маскани тарбияланувчиларига мурувват ёрдами кўрсатилиб, қимматли совғалар ҳам топширилди.

Вилоят шаҳар ва туманларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мақсадида, вилоят табиатни муҳофаза қилиш бошқармаси билан ҳамкорликда атмосферани зарарли чиқиндилар билан ифлослантирувчи 92 та объектнинг санитария ҳимоя минтақаларида 1482 та лаборатория текшируви ва ўлчовлари ўтказилди. Чунончи, Оҳангарон туманидаги «Оҳангаронцемент» ишлаб чиқариш корхонаси, Янгийўл шаҳридаги ёғмой комбинати, Бўстонлиқ туманидаги марказий автобекат ҳамда Ғазалкент шаҳри магистрал йўли, Искандар қўрғони, Олмалиқдаги «Қантақир», «Қаулди» конлари атрофидаги ташқи муҳит атмосфераси ҳавосидан олинган намуналар гигиеник талабларга жавоб бермаганлиги учун тегишли чоралар кўрилди.

**— Тизимни замонавий тиббий ускуналар билан таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳақида, қолаверса, даволаш жараёнлари тўғрисида ҳам гапирсангиз...**

— Туман касалхоналарининг биргина туғуруқ бўлимларини тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш мақсадида бошқарма томонидан марказлашган ҳолда жами 101 миллион 340 минг сўмлик тиббиёт асбоб-ускуналари ва 2 миллион 790 минг сўмлик турли жиҳозлар олинди. Тери-таносил касалликлари диспансерлари ва ихтисослаштирилган хоналар кўплаб ингридиентлар билан таъминланди. Хасталиги оғир гуруҳга мансуб 370 нафар аёлдан 82 нафари соғлом ҳаёт қучоғига қайтарилди.

Ҳудудларимиздаги барча олти ёшли болалар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Республика ва вилоят «Соғлом авлод» жамғармаси кўмагида лаб, танглай ва бошқа аъзоларида туғма нуқсони бор 100 нафардан ортиқ болалар тиббиёт клиникаларида жарроҳлик йўли билан бепул даволанди. 14640 нафар янги туғилган чақалоқдан биоматериал олиниб, Республика скрининг марказига юборилди. Уларда 2 та фенилкетонурия, 6 та гипотериоз касаллиги аниқланиб, диспансер назоратига олинди. Ҳозир улар мазкур марказ орқали бепул дори-дармон ва озиқ-овқат билан таъминланмоқда.

Йил давомида Соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан бепул рецептлар асосида бериладиган дори воситалари учун 240 миллион сўм маблағ режалаштирилган бўлиб, (ҳозиргача унинг 200 миллион сўмдан зиёди ўзлаштирилди) 30 мингдан ортиқ бемор дори-дармон билан таъминланди.

**— Тизимнинг катта-кичик барча объектларини қайта тиклаш, таъмирлаш, янгилаш, қуриш ва уларни замонавий даволаш ускуналари билан жаҳон андозалари даражасида жиҳозлаш жараёнлари қандай бораяпти?**

— Соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш, унинг моддий-техника даражасини ошириш мақсадида, вилоят ҳокимлигининг 2005 йил 3 февралдаги қарори асосида 11 та тиббиёт объектининг мукаммал таъмирланиши режалаштирилганди. Ҳокимлик олдинги йилларда чала қолган объектларни ҳам қўшиб 29 та объектни таъмирлашга ёрдам кўрсатди. Жумладан, 21 та ҚВП янгидан ташкил этилди. Бюджет маблағлари ҳисобидан 407,08 миллион сўмлик 5 та янги қурилиши лозим бўлган қишлоқ врачлик пунктларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича ҳам тендер савдолари ниҳоясига етди.

Бугунги кунда 142 та қишлоқ врачлик пункти (ҚВП) «Саломатлик — 2» лойиҳаси бўйича тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозларни қабул қилишга тайёр. Қолган 56 ҚВПда тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозларни қабул қилишга тайёргарлик ишлари кетмоқда. Бўстонлиқ ва Оҳангарон туманларида реконструкциялаш йўли билан 2 та ҚВП фойдаланишга топширилди.

**— Президентимиз ташаббуси билан эълон қилинган «2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили»нинг аҳамияти ҳақида фикрингиз?**

— Эслайсизми, Президентимиз ўша маросимдаги маърузасида бир гапни айтди: **«Менинг фикримча, ҳомийлар ва саховат деган тушунчаларни бири-биридан ажратиб бўлмайди, шу муносабат билан муборак ҳадисларда айтилган «Оллоҳ таоло сахийдир, сахийликни севади. Яхшилик қилгувчидир, яхшиликни яхши кўради деган ҳикматни яна бир бор эслатиб ўтмоқчиман».**

Демоқчиманки, муқаддас Қуръони каримдаги: «Хайрли, савобли ишларда бир-бирингиздан ўзишга шошилинг» деган ҳикмат биз шифокорларга ҳам, саховатпеша ҳомийларга ҳам бирдек тегишли.

**Суҳбатдош: Соҳибжон САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

● Интер-спорт

## МОСКВАДА РОССИЯ — БРАЗИЛИЯ УЧРАШУВИ



Россия терма жамоаси келаси йилнинг 1 март куни дастлабки халқаро ўртоқлик учрашувини Бразилия футболчилари билан ўтказади. Россиялик футболчилар охирги марта 1998 йили сафарда Бразилия терма жамоаси билан ўйнаб 1:5 ҳисобида ютқазишган эди. Ўша пайтда Бразилия футболчиларига Вандерлей Люшембурго, Россия терма жамоасига эса Анатолий Бешовец бош мураббий эди. Россияликлар беш карра жаҳон чемпионлари билан жами 11 марта учрашиб, икки ғалаба, шунча дуранг ва етти марта имкониятни бой беришган. Тўплар нисбати эса 10:22. Бразилиялик футболчилар сўнгги марта Москвага 1996 йили келишган. Ўшанда Борис Игнатьев раҳбарлигидаги Россия футболчилари Марио Загалло мураббийлик қилган Бразилия жамоаси билан бўлган учрашувни 2:2 қилишган эди.

Эслатамиз, Россия футбол терма жамоаси 1 март куни бўладиган учрашувда илк марта янги мураббий Александр Бородюк бошчилигида майдонга тушади.

## ФИФА ЛЕГИОНЕРЛАРНИ ҚИСҚАРТИРИШ ТАРАФДОРИ




Халқаро футбол федерацияси президенти Йозеф Блаттер мамлакат миллий клублари таркибида ўша мамлакатнинг камида 6 нафар футболчиси бўлиши шарт, деган талабни қўймоқда. Президентнинг сўзларига қараганда, мисол учун Германия клубларидан бирининг таркибида бор-йўғи бир-икки нафар немис футболчиси ўйнаса, буни табиий ҳол дейиш қийин экан. Блаттернинг фикрича, жамоа таркибида шу мамлакат футболчилари кўп бўлса, бу нарса ёшлар тарбиясига ижобий таъсир этаркан. Шунинг учун ҳам маҳаллий клуб раҳбарлари бу масалага жиддий эътибор беришлари лозим.

## ТАЙСОН УЙИ УЧУН... ЖАНГ ҚИЛМОҚЧИ



Машҳур боксчи Майк Тайсон молиявий жиҳатдан қийин аҳволда қолган кезлари Лас-Вегасдаги қарорроҳини 4 миллион долларга сотган эди. Шу кунларда ана шу уйни сотиб олган инглиз тадбиркори Доминик Маррокко боксчилар ўртасида телевизион шоу ўтказмоқчи. Агар Тайсон ана шу жангда муваффақият қозониб, финалда ғолиб чиқса, собиқ уйини яна қайтариб олиши мумкин экан. «Одамлар ҳашаматли уйини бекорга бой беряпти, деган фикрга боришлари мумкин, — дейди Доминик, — Лекин мен анойи эмасман. Телевизион шоу қатнашчилари олдиндан бир неча минг долларлик кириш бадалларини тўлашлари шарт. Борди-ю, Тайсон ғолиб чиқса, унда мен бошқа уйга кўчиб ўтаман».

● Баркамол авлод орзуси

# «НИҲОЛ» УМИДЛАРИ



Кейинги йилларда мактабгача таълим муассасаларининг янги бўғини — мактабгача таълим ва бошланғич таълим мажмуаларининг фаолияти такомиллашиб, уларнинг ёш авлод таълим-тарбиясидаги роли ошиб бормоқда. Ана шундай масканлардан бири пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 519-«Ниҳол» мактабгача таълим ва бошланғич таълим мажмуидир.

Асосий мақсади болаларни мактабгача таълимдан бошланғич таълимга, ундан ўрта таълимга йўллаш бўлган мазкур мажмуада қирқдан зиёд малакали тарбиячи-мураббийлар фаолият кўрсатмоқда. Боғча-мактабдаги таълим-тарбия жараёни давлат таълим стандартлари асосида ташкил этилган. 250 нафар кичкинтойлар тарбияланаётган боғча гуруҳида барча хоналар болаларнинг диди ва ёшига мос жиҳозланган, ўндан ортиқ тўгараклар, ақлий ва жисмоний ривожланишга хизмат қилувчи гуруҳлар фаолияти йўлга қўйилган.

Ўтган йили ушбу муассасага боғча-мактаб мақоми берилиб, бошланғич синфлар ташкил этилди. Энди бу ерга 2-3 ёшида келган болалар тарбияланиб, сўнгра мактаб гуруҳларига ўтказилади.

— Мужмуамиздаги ҳеч бир бола эътибордан четда қолмайди, уларнинг тарбияси билан педагог, мусиқа раҳбари, услубчи, ҳамшира ҳамда тўгарак раҳбарлари мунтазам шуғулланади, — дейди мажмуа психологи Самира Абдуазимова. — Шунингдек, ҳар уч ойда гуруҳларда боланинг ақлий ва жисмоний ривожланишини кузатиб бориш мақсадида мониторинг ўтказилади. Мазкур амалиёт таълим соҳасида янгилик бўлиб, тарбиячи-мураббийларимизнинг иш услуби туманимиз миқёсида оммалаштирилмоқда.

Муассасада ота-она ва маҳалла ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган бўлиб, ота-оналар кенгаши ташкил этилган. Улар иштирокида турли учрашувлар, суҳбатлар, байрам тадбирлари ҳамда очиқ эшиклар куни ўтказиб борилади. Шунингдек, боғчада болаларнинг соғлом ва бақувват бўлиб ўсиши учун таэквондо тўгараги ҳам ташкил этилган. Унга тажрибали спорт мураббийи Павел Мухторов раҳбарлик қилмоқда.

— Айни пайтда боғча-мактабимизнинг бошланғич 1 — 2-синф гуруҳларида 85 нафар бола таълим олмоқда. Уларга туманимиздаги 246 ва 272-ўрта мактаблардан малакали ўқитувчи-мураббийларни жалб этганмиз, — дейди мажмуа раҳбари Холида Азизова. — Бошланғич таълимни бизда олган болалар кейинги босқичда ўша мактабларга бориб ўқишади. Шуни айтиш жоизки, бугун муассасамизга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Сабаби, бизда таълим-тарбия ишларининг яхши йўлга қўйилганидир. Ҳозирда боғча-мактаб мажмуамизда Зоя Раҳимова, Комила Акбарова, Озода Қаюмова, Зулфия Пўлатова сингари фидойи тарбиячилар бор маҳоратини, қалб меҳрларини болаларга бағишламоқда.

**Фазлиддин СУЮНОВ**

✧✧✧

***Суратларда:*** *боғча ҳаётидан лавҳалар.*

**Шавкат АКРАМОВ, Ҳасан ПАЙДО олган суратлар**





Японияда қўл кураши (армрестлинг) бўйича ўтказилган XXVII жаҳон чемпионатида мамлакатимиз спортчилари 8 та олтин, 3 та кумуш ва 7 та бронза медалини қўлга киритди.

Дунёнинг 38 мамлакати вакиллари иштирок этган ушбу мусобақаларда Ўзбекистон термаси энг кам сонли жамоалардан бири бўлди. Лекин шунга қарамай, эришилган натижалар ва умумий рейтинг кўрсаткичлари бўйича у чемпионатнинг энг сермаҳсул терма жамоаси, деб эътироф этилди.

## ТОКИОДАН ҒАЛАБА БИЛАН

Фахрийлар, ўсмирлар, аёллар ва ногирон спортчилар ўртасида ўтказилган беллашувларда мамлакатимиз қўл кураши усталари иштирокидаги ҳар бир баҳс томошабинларнинг алоҳида эътиборида бўлди. Айниқса, 110 килограмм вазн тоифасида юртдошимиз Фарид Усмонов ўтказган муросасиз беллашувлар чемпионатнинг муҳим воқеаси сифатида тилга олинди.

Мусобақанинг дастлабки босқичларидан йўқотишларсиз ўтган юртдошимиз чорак финалда Япония армрестлинг юлдузи Ёшинобу Канаи билан беллашди. Минглаб япониялик мухлисларнинг ҳайқириқ ва олқишлари остида ўтган бу кураш бўлажак жаҳон чемпиони учун мусобақа давомидаги энг муҳим синов бўлди. Юртдошимиз рақибининг кучлилигига қарамай ўзининг ҳақиқий Алпомиш авлоди эканини исбот этди. Финалда у сайёрамизнинг кучли қўл курашчиларидан бири украиналик Андрей Пушкарни ҳам мағлуб этиб, мусобақанинг энг оғир вазн тоифасида олтин медалини қўлга киритди.

Худди шунингдек, 49 кг. вазн тоифасида аёллар ўртасида ўнг ва чап қўлда курашувчи спортчилар орасида майдонга тушган Сарвиноз Тонготаровага ҳам тенг келадигани топилмади. Юртдошимиз ўз рақибларини иккала қўлда ҳам мағлуб этиб, мусобақанинг бош совриндори бўлди.

**«Жаҳон» АА,**
*Токио*

*Газетанинг навбатдаги сони 20 декабрь, сешанба куни чиқади*

● «ОБУНА — 2006»

**АЗИЗ ГАЗЕТХОНЛАР!**

Сурхондарё вилояти,
Денов шаҳрида чиқадиган
**«ЧАҒОНИЁН»**
ижтимоий-сиёсий газетасига
2006 йил учун

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА.

*Обуна барча почта бўлимлари ва «Матбуот тарқатувчи» бўлинмаларида ҳамда жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан қабул қилинаётир.*

*Бизнинг «Ўзбекистон почтаси» очиқ турдаги акциядорлик компанияси ва «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясининг 2006 йил учун обуна каталогидаги нашр кўрсаткичимиз:*

**ЯККА ОБУНАЧИЛАР УЧУН — 484.**
**ТАШКИЛОТЛАР УЧУН — 485**

**«САНИПЛАСТ» ЎЗБЕКИСТОН-ИСРОИЛ ҚЎШМА КОРХОНАСИ**



**ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ ТИЗИМЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА КЎП ЙИЛЛИК ТАЖРИБАГА ЭГА БЎЛГАН ЎЗБЕКИСТОНДА ЯГОНА КОРХОНА СИФАТИДА ҒЎЗАНИ, БОҒ ВА ИССИҚХОНАЛАРНИ ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ ТИЗИМЛАРИНИ**

**СОТИБ ОЛИШНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.**



**«САНИПЛАСТ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРАДИ, МАТЕРИАЛЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРАДИ ВА МОНТАЖ ИШЛАРИНИ БАЖАРАДИ. БИЗНИНГ МУТАХАССИСЛАРИМИЗ ЭКИНЛАРНИ СУҒОРИШ ВА ЎҒИТЛАШДА МАСЛАҲАТЛАРИНИ АЯМАЙДИЛАР.**

*Сервис хизматини кўрсатиб, эҳтиёт қисмларни етказамиз.*

**Хизмат сифатига кафолат берамиз.**

**Мурожаат учун манзил: Ўзбекистон Республикаси, 700187, Тошкент ш., «Қорасув-4» массиви, 11-уй. Телефонлар: 65-18-56, 65-14-59.**

**BOSH MUHARRIR:**
**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY`ATI:**
**Abdulla ORIPOV**
**Latif G`ULOMOV**
**Asliddin RUSTAMOV**
**Ashur QODIROV**
**Bobir ALIMOV**
**Habib SA'DULLA**
**Farruh HAMROYEV** (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
**Alimqul SULTONOV** (Bosh muharrir o'rinbosari)
**Andrey ORLOV** (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
**Norbobo SHAKAROV**
**Nomoz SA`DULLAYEV**
**To`lepbergen QAIPBERGENOV**
**Muslihiddin MUHIDDINOV**
**Olim MURODOV**
**Abdug'ani MAMASODIQOV** (Mas'ul kotib)

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
**Siyosat, partiya va xalqaro hayot** 133-10-13
**Ma`naviyat va ma`rifat** 133-69-45
**Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot** 133-20-36
**Parlament va huquq** 136-76-21
**Ekologiya, salomatlik va odob-ahloq** 133-44-55
**Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik** 133-21-43
**Xatlar va ommaviy ishlar** 133-12-56 (Tel. Faks)
**Mas`ul kotib** 133-72-83
**Reklama va e`lonlar** 133-38-55, 133-47-80

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
**Andijonda —** 25-32-70
**Buxoroda —** 222-10-92
**Gulistonda —** 25-22-32
**Jizzaxda —** 5-49-85
**Navoiyda —** 223-83-73
**Namanganda —** 6-43-43
**Nukusda —** 222-70-15
**Samarqandda —** 35-20-54
**Urganchda —** 226-51-35
**Farg`onada —** 26-43-62
**Termizda —** 3-79-98

**MANZILIMIZ:**
**700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.**
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
**Matnazar ELMURODOV**

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi:
**Ikromjon ISMOILOV**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
**Korxona manzili:**
*Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.*

*Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.*
***Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.***
**Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.**

**«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.**

Г — 252
*6342 nusxada bosildi*
*т — Тижорат материали*
O'zA yakuni —
Topshirish vaqti —
1 2 3 4 5 6
**Sotuvda erkin narxda**